



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

Юсупов Б.И

Жиззах Sambhram университети

2 босқич магистранти

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболлини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда олий ўқув юртлари олдида илм-фан ва маънавият, назария ҳамда амалиётни, таълим ва тарбияни уйғунлаштириш масаласи кўндаланг турибди. Мураккаб глобаллашув даврида миллий урф-одатлар, анъана ҳамда қадриятларни сақлаб қолиш, миллат ва халқ олдидаги масъулият ҳамда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Университетимиз аҳил жамоаси, салоҳиятли профессор-ўқитувчилари шу эзгу мақсадга эришиш, таълимда сифат масаласини кўтариш, кредит тизимини жорий этиш жараёнини такомиллаштириш йўналишида билим, тажриба ва имкониятларини сафарбар қилмоқда. Глобал пандемия шароитида дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам устувор тармоқлар шарт-шароитининг ўзгариши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг рақамлашуви, барча соҳага сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2022 йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қарийб чорак қисми рақамли технологияларга тўғри келиши прогноз қилинаётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ишларни ривожлантиришга эътибор қаратиш ўта муҳимдир. Бинобарин, жаҳон мамлакатларида иқтисодий муаммоларнинг кўпайиши, транспорт ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бузилиши, тадбирларнинг онлайн ўтказилиши ҳозирги кўринишдаги глобаллашувга нуқта қўйиши таъкидланмоқда. Шу ўринда Президенти-мизнинг икки муҳим ташаббуси — «электрон ҳукумат» ва миллий дастурчилар ҳақидаги ўз вақтида амалга оширилган ҳаётбахш ғояларининг самарали натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг давлат ва



жамият курилишини такомиллаштиришга йўналтирилган биринчи йўналишида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда «Электрон ҳукумат» тизимини такомил-лаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган. Маълумки, 2017 йилдан бошлаб, «Электрон ҳукумат» тизими жамият ҳамда давлат ҳаётида янада долзарблик касб эта бошлади. Бу тизимни йўлга қўйишдан асосий мақсад: аҳоли ва тижоратга ҳукумат томонидан кўрсатилаётган хизматларни оптималлаштириш; сайловчиларнинг давлатни бошқариш ҳамда раҳбарлик жараёнидаги иштироки даражасини ошириш; фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш; фуқароларнинг технологик таъминланганлигини кўтариш; давлат бошқарувида сарф-харажатларни камайтириш, сиёсий тизимнинг самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошликни таъминлашдан иборат.

Ушбу масалаларнинг ечилиши эса давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари самарадорлигини юксалтириб, уларга боғлиқ сарф-харажатларни камайтирибгина қолмасдан, жамият билан ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан яхшилади. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг модернизациялашуви ва давлатнинг халқ олдидаги масъулиятини юқори поғонага кўтариш демакдир.

Узоқни кўзлаган ҳолда, 2020 йил 28 апрелда «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. «Электрон ҳукумат» доирасида 1,3 триллион сўмлик 104 та лойиҳа, иқтисодиётнинг реал секторида 5,3 триллион сўмлик 87 та лойиҳа, телекоммуникациялар борасида 15,1 триллион сўмлик 35 та, аграр соҳада 24 та, IT парклар бўйича 18 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Юртбошимизнинг яна бир ташаббусига биноан, мамлакатимизда «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бугунги кунда унинг доирасида машғулотлар uzbekcoders.uz ўқув портали орқали олиб борилмоқда. Унда энг машхур тўртта талабгор мутахассислик бўйича бепул видеокурслар ўзбек тилида субтитрлар билан тақдим этилган, жумладан, маълумотларни таҳлил қилиш, «андроид» иловаларни, веб-иловаларни ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

«Бир миллион дастурчи» лойиҳаси Ziyonet таълим портали, Uzmobil мобил алоқа оператори ҳамда Uzonline интернет-провайдерларининг бепул хизматларига киритилди. Рақамли технологиялар ўқув марказларида ушбу лойиҳа доирасида дастурлаш кўникмаларига ўқитиш жорий этилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2020 йил 8 майдаги 53-сон баёнига мувофиқ, uzbekcoders.uz портали орқали олий ўқув юртлари талабалари ҳамда умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларини ахборот технологиялари соҳасида ўқитишни ташкил этишнинг асосий кўрсаткичлари тасдиқланди.

Олий ўқув юртлари талабаларини ахборот технологиялари соҳасида uzbekcoders.uz портали орқали 2020/2021 ўқув йилида 44 та олий таълим муассасасининг 54 мингдан ортиқ талабалари ўқитилиши режалаштирилган. Янги



ўқув йилидан бошлаб олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тегишли йўналишларнинг мутахассислик фанлари ҳамда умумтаълим мактабларининг информатика фани дастурларига «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасидаги дастурлаш йўналишлари мавзуларини киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Очиғи, тан олиш керак, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт, «электрон ҳукумат» хизматларига талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Лекин ҳозир 780 тур давлат хизматидан бор-йўғи 185 тасидан электрон портал орқали фойдаланиш имконияти мавжуд. Аксарият ташкилотларда иш жараёнини рақамлаштириш фақат хужжат алмашинувини электронлаштириш билан чекланиб қолмоқда. Шу боис «Электрон ўқитиш дастури» орқали ўқиб, диплом олган дастурчиларни давлат ва хўжалик муассасаларига ИТ мутахассис сифатида ишга олиш режалаштирилган. Улар ташкилотларнинг барча иш фаолиятини анъанавий электрон форматдан рақамли кўринишга ўтказишга масъул бўлади. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан барча ҳудудда рақамли технологиялар бўйича камида 100 та ўқув маркази очиш режалаштирилмоқда. Бу даргоҳларда дастурлаш асослари, электрон савдо ҳамда графикли дизайн каби йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ҳам ташкил этилади. Бизнинг университетимиз васоҳамиз олдидаги бош вазифа барча йўналиш ҳамда тармоқларни қамраб олган, Ўзбекистон иқтисодиётининг тўлиқ ва комплекс ижобий ўзгаришига ҳамда рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» йирик лойиҳасини амалга оширишга қаратилган. Шу билан бирга, 2020 — 2022 йилларда «электрон ҳукумат», телекоммуникациялар ва дастурий маҳсулотлар ҳамда ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва қишлоқ ҳамда сув хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича жами 268 та лойиҳани рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Мазкур вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида беқиёс роль ўйнайди.

Хулоса шуки, замонавий технологиялар ҳамда маънавият бир-бирини тўлдирадиган, бойитадиган, ёш авлод онги ва қалбига умид, ишонч, миллатпарварлик туйғуларини сингдирадиган соҳалардир. Таълим ҳамда тарбия эгизак бўлиб, миллат ривожланишининг пойдевори вазифасини бажаради. Технология инсон такомиллида шакл, маънавият эса мазмун бўлади. Шундай экан, шакл ва мазмун бирлигига эришиш бош мақсадимизга айланиши керак. Биз ахборот технологиялари соҳасининг такомиллашуви ва ривожланишига камарбаста бўлган базавий олий ўқув юрти эканлигимиздан фахрланиш билан бирга, масъулиятни чуқур ҳис қилиб, кўлимиздан келган барча имкониятни ишга солишда давом этаверамиз.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 24.05.2017 й. ПҚ-3003, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
4. Ходжабоев А., Хусанов И. “Касб таълим методологияси” Тошкент. “Фантехнология” 2007
5. Тожибоева Д. “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.: “Фан ва технологиялар” 2007.